

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 9 август, № 158 (4568) Шанба


## ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИМПИАДАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

***Пекин, 8 август** (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Пекинга келди.***

Мамлакатимиз раҳбари оқшом Пекин марказидаги ҳашаматли "Қуш уяси" стадионига ташриф буюрди. Бу ерга кўплаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Халқаро олимпия қўмитаси раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишқибозлари тўпландилар.

Хитой халқи 8 рақамига хайрли, хосиятли рақам сифатида қарайди. Шу боис иштирокчи давлатлар ва спортчилар сони бўйича ўзига хос рекорд қўйган XXIX ёзги Олимпиаданинг очилиш маросими янги мингйилликнинг саккизинчи йили, саккизинчи ойи, саккизинчи санасида, кеч соат саккиздан саккиз дақиқаю саккиз сония ўтганда бошланди. Бунда чуқур рамзий маъно бор. Бугунги мураккаб, ўзгарувчан дунёда тинчлик ва барқарорлик, халқларнинг тотувлик ва дўстлиги тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Пекин Олимпиадасига "Ягона дунё — Ягона мақсад" шиори берилгани ҳам шундан. Спорт азалдан тинчлик элчиси бўлиб келгани, халқларни бирлаштиргани, инсонлар саломатлигини мустаҳкамлагани, чиниқтиргани, қолаверса, қадимда йирик спорт мусобақалари даврида урушлар тўхтатилгани, хусуматлар унутилгани алоҳида таъкидга лойиқ.

Спорт байрами айни белгиланган вақтда бошланди. Олимпия машъаласи ёқилди. Ўттиз мингдан зиёд мушак отилиб, самода Олимпиада рамзларини, ушбу ёшлик, гўзаллик ва саломатлик байрамининг босиб ўтган тарихий йўлини акс эттирди. Йиғилганларнинг олқишлари садоси остида стадионга қатнашчи мамлакатларнинг жамоалари кириб кела бошлади.

Улкан стадионга тўпланганлар Ўзбекистон Республикаси спорт жамоасини ҳам гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Юртимизда спортни ривожлантиришга, унинг биз учун янги турларини оммавийлаштиришга, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга кўрсатилаётган алоҳида эътибор туфайли 17 йил аввал Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида таниган дунё эндиликда иқтидорли ўзбек спортчиларининг маҳоратини эътироф этмоқда.

Масалан, ўтган йили АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида 21 яшарли ўзбек йигити Аббос Атоев олти юз нафар боксчи орасида чемпионлик камарини қўлга киритгани Ўзбекистон бокс мактабининг шуҳрати амалий муваффақиятлар билан мустаҳкам эканлигидан далолатдир. "Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди". Ўзбекистон фарзандлари бу юртда спорт соҳасида ҳам кўпчилик орасидан ёриб чиқадиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган забардаст ўғлонлар, иродали қизлар кўп эканини мудом исбот этиб келмоқда.

Зеро, нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчимиз бутун халқимизнинг ва Юртбошимизнинг доимий эътибори ҳамда ғамхўрлигини ҳис қилиб туради. Ўзини бундай маҳорат ва жасорат соҳиби этиб тарбиялаган Ватан олдидаги масъулиятини доимо ёдда тутади. Бу туйғулар уларга катта шижоат ва ғайрат бахш этади. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан спортга қаратиб келинаётган улкан эътибор самараларидир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли қитъа ва жаҳон биринчиликларида иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда, совриндорларимиз кўпаймоқда, миллий байроғимиз юксакка кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда.

Бу галги жаҳон спорт форумида эллик саккиз нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн беш тури бўйича беллашиб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Хитой халқлари азалий дўстлик ришталари билан чамбарчас боғланган, Буюк Ипак йўли даврида қарор топган анъанавий алоқалар бугунги кунда янгича мазмун касб этиб, замон талаблари асосида жадал ривожланмоқда. Давлатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан айтганда, Ўзбекистон ва Хитой стратегик шерик мамлакатлардир. Президент Ислом Каримов Пекин Олимпиадасининг очилиш маросимига таклиф этилгани олий даражадаги ўзаро ишонч ва ҳурматдан, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитишга интилишидан далолатдир.

Ислом Каримовнинг Пекинга таклиф этилиши тобора юксалаётган ўзбек спортининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи ҳамдир. Айни пайтда Олимпиаданинг очилиш маросимига Президентимиз шахсан ташриф буюриб, спортчиларимизга оқ фотиҳа бериши уларга куч-қувват бағишлайди, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Демак, спортчиларимиз XXIX Олимпиадада ғалаба шоҳсупасининг энг юқори поғоналарига кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси бир неча марта жаранглашига шубҳа йўқ.

## ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ПОРЛАЙ БОШЛАДИ

**8 август куни Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди.**




**ПЕКИН.** (**ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади**).

Олимпиада ўйинлари илк марта Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган ўша мусобақаларда ўндан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг тўққиз тури бўйича куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада ўйинлари ер куррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашувларга жалб қила борди ва спорт оламининг энг оммавий мусобақасига айланди. Олимпиада ўйинларининг рамзи ҳисобланган, 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта ҳалқа бугунги кунда Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолига айланди.

Олимпиаданинг ана шу бешта ҳалқа тасвирланган оқ байроғи эса тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада ўйинлари чоғида урушлар тўхтатилган.

...XXIX ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими Пекинда янги барпо этилган "Қуш уяси" стадионида бўлиб ўтди.

Тантанавор безатилган стадионда Хитойнинг ўзига хос тарихи, миллий анъаналари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ва санъат усталарининг чиқишлари намойиш этилди.

Сўнг майдонга, анъанага биноан, биринчи бўлиб Олимпиада ўйинлари ватани — Греция спортчилари чиқиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган машҳур спортчимиз — ҳарбийлар ўртасида жаҳон

(Давоми 2-бетда).

## Сидхарт Саксена: «МУСТАҚИЛЛИКНИ ҚАДРЛАШНИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎРГАНИШ КЕРАК»




***Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида турли давлатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, олим ва санъаткорлари халқимизни яқинлашиб келаётган ушбу қутлуғ байрам билан табрикламоқда.***

***Улардан бири Марказий Осиё бўйича Кембридж форуми раиси, Буюк Британиянинг Марказий Осиё минтақаси бўйича етакчи экспертларидан бири, доктор Сидхарт Саксенадир.***

— Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги асносида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти, йўналишлари ва натижаларини идрок этиш муҳим, — дея таъкидлайди олим. — Бу хусусда гапириб, аввало, Ўзбекистондаги туб ўзгаришлар халқ тарихи, маданияти ва дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётганини қайд этиш лозим. Айрим мамлакатлар асосий эътиборни иқтисодий ривожланишга қаратиб, маданият, маърифат ва маънавиятни диққатдан четда қолдираётган бир пайтда сизнинг юртингиздаги тараққиёт жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаларини, хусусан, иқтисодий тараққиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маърифат ва маънавият, ёш авлодни тарбиялаш каби муҳим соҳаларни қамраб олмоқда.

Мендан кўпинча, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг дунёдаги барча халқларга нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлган «универсал модели»нинг бор ёки йўқлиги ҳақида сўрашади. Бу саволга мен ҳамиша давлат ва жамият муносабатларини бир модель доирасида ушлаб турадиган тараққиётнинг ягона йўли йўқ, деб жавоб бераман. Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатлар хусусида гап кетганда, фуқаролик жамияти Осиё мамлакатлари учун тарихан хос бўлган хусусият эканини айтиш ўринли бўлади. Ўзбекистон бу рўйхатда ўзининг муносиб ўрнига эга, бинобарин, мамлакатда фуқаролик жамиятининг беқиёс ва ижобий модели яратилган бўлиб, у азал-азалдан жамият ҳаётининг ажралмас бир бўлаги бўлиб келган.

**▼ Дунё нигоҳи**

Фуқаролик жамиятининг самарадорлигини таҳлил қилар эканмиз, ундаги мавжуд институтлар қандайдир хорижий «модел»ларга тўғри келиш-келмаслигига эмас, балки оддий инсонларнинг талаб ва эҳтиёжларини қанчалик қаноатлантираётганига эътибор қаратишимиз лозим.

Ўзбекистонда ҳар йилни жамият ҳаётининг маълум бир жабҳасига бағишлаш яхши анъана тусини олган. Жумладан, 2008 йил юртингизда «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу хусусда гапириб, аввало, мазкур ташаббус ўтган йиллардаги ижтимоий дастурларнинг муҳим режалари билан мантиқан боғлиқ эканини таъкидлаш лозим. Ёшлар ҳар бир давлатнинг тараққиётида муҳим ўринлардан бирини эгаллаши сир эмас. Ўзбекистонда буни яхши англаган ҳолда масаланинг икки жиҳатига, яъни таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртингиздаги таълим даражаси жуда юқори. Мен бу соҳани алоҳида қизиқиш билан тадқиқ қилиб, таълим тизимидаги ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётганига ишонч ҳосил қилдим.

Соғлиқни сақлаш тизимига тўхталиб, Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга ва умуман, ёш авлоднинг соғлом ўсиб-улғайишига алоҳида аҳамият қаратилиб келинаётганини таъкидлашни истардим. Бунинг учун юртингизда бола ривожининг барча босқичларида унинг соғлиғини назорат қилиб бориш имконини берувчи самарали тизим яратилди.

Тез орада Ўзбекистон мустақилликнинг 17 йиллигини кенг нишонлайди. Мустақиллик – улуғ неъмат. Уни нафақат тантана билан байрам қилиш, балки қадрлай билиш ҳам керак. Ўзбекистондан бу борада ўрнак олса, арзийди. Халқингиз фахрланиши мумкин бўлган ютуқ ва натижалар талайгина. Аммо уларнинг энг асосийси ва энг қадрлиси — мустақиллик йилларида мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдир. Ишончим комил, Ўзбекистон тараққиёт ва равнақ йўлидан бундан кейин ҳам дадил олимлашда давом этиб, ўз олдига қўйган барча эзгу мақсадларга, албатта, эришади!

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ САЛОҲИЯТИ

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида юртимизда қурувчилар куни кенг нишонланади. Ушбу айёмга туҳфа сифатида янгидан-янги иншоотлар, муҳташам бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият-маърифат масканларини қуриб фойдаланишга топшириш анъанага айланган.

"Туркистон" саройида қурувчиларнинг касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қурувчилар, меъморлар, муҳандислар, қурилиш ташкилотлари, ободонлаштириш-таъмирлаш корхоналарининг раҳбарлари, лойиҳалаштириш илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тарақ-

(Давоми 2-бетда).

## АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

***Бу йил Сурхондарё вилояти фермерлари 123 минг гектар майдонда ғўзанинг «Наманган-77», «Бухоро-102», «Бухоро-6», «Термиз-31» навларини парваришлаб, 360 минг тонналик хирмонни бунёд этиш учун курашмоқда.***

## ЎЗИГА ИШОНГАН ДЕҲҚОН ЮТҚАЗМАЙДИ

Улар сафида жамоамиз ҳам борлиги бизга алоҳида ғурур бағишлайди. Биз ўтган йили гектар ҳисобига 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олгандик, жорий йилдаги мўлжалимиз — 50 центнер.



Деҳқон фарзанди бўлганим учун ишонч билан айтаманки, бу маррани забт этиш август ойидаги ҳаракатимизга боғлиқ. Яъни, шу даврда экин билан «тиллашиб», қатор ораларини шамоллатиб, зарур агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга оширган фермер, албатта, муродига етади.

Маълумки, Сурхондарёда ёз ҳавоси бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча иссиқ бўлади. Демак, экин сувни кўп талаб қилади. «Асад суви — асал суви»га қонган ғўза эса шода-шода кўсак тугади. Уларни янада кўпайтириш, борларини сақлаб қолиш учун ниҳолни тунда суғориш, кўллатмай, чўллатмай «шарбат» оқизиш керак. Бундан ташқари, суғоришдан кейин техника ёрдамида қатор ораларини юмшатиш, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиш ҳам шу куннинг долзарб вазифаларидан. Нуриддин Очилов, Оқмурод Валлаков, Бозор Каримов, Ҳайитмурод Юмитов, Шайдулла Худойберганов каби жамоамиз аъзолари ана шу юмушларни қойилмақом этиб бажармоқдалар. Бу билан улар тўқ кўсакларни кўпайтирган ҳолда, юртимизнинг улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишлари учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

**Бахтиёр ҚУРБОНОВ,**
**Термиз туманидаги «Бекхон бобо» фермер хўжалиги раҳбари.**

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОФАТИ

Бир рақам шарҳи



**2008** йилнинг биринчи ярим йиллигида республикамизда саноат ишлаб чиқариши **12,2** фоизга ортди.

Соҳани ривожлантириш ва техник модернизация қилиш дастурларининг амалга оширилиши, айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, ёқилғи, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатидаги юқори ўсиш суръатлари ҳисобига шундай натижага эришилди.

## ИНВЕСТИЦИЯ ҲИСОБИГА

***Навоий шаҳридаги «Электрокимё» корхонаси ҳудудида шифер ишлаб чиқарадиган «Риком» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.***

Бу ерда замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 1000 дона тўлқинли шифер ишлаб чиқарилади. Ушбу қурилиш маҳсулоти «Қизилқумцемент» ОАЖнинг юқори сифатли цементидан тайёрланади. Бу мақсадлар учун «Риком» 800 миллион сўмлик инвестиция киритди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ПОРЛАЙ БОШЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, кўплаб халқаро турнирлар совриндори Дилшод Маҳмудов стадионга кириб келади. Байроғимиз ортидан одимлаётган оқ либос кийган гўзал қизларимизни, алпқомат йигитларимизни мухлислар қизғин олқишлар билан кутиб оладилар. Делегация таркибида спортнинг юнон-рум ва эркин кураш, бокс, дзюдо, таэквондо (ВТФ), оғир атлетика, ўқ отиш, спорт гимнастикаси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшкак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш тури бўйича муносиб беллашишга қодир эллик саккиз нафар спортчимиз бор.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан спортчиларимизнинг Олимпиадага қизғин тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларининг 2008 йилда Пекин шаҳри (Хитой)да бўлиб ўтадиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисидаги қарорига биноан, спортчиларимизнинг маҳорат ва тажрибаларини оширишлари учун халқаро майдондаги нуфузли мусобақаларда қатнашишлари, хорижий давлатларда ва юртимизда ўқув-машғулот йиғинлари ўтказишлари учун шарт-шароитлар ҳозирланди. Уларнинг юқори спорт тайёргарлигини таъминлашга кўмаклашувчи илмий-услубий, тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказилди. Спортчиларимиз жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги спорт анжомлари билан таъминланди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор 2006 йили Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтган XV ёзги Осиё ўйинларида ҳам ўз тасдиғини топди. Қатар мусобақаларида спортчиларимиз, айниқса, байдарка ва каноэда эшкак эшувчилар, боксчилар, эркин ва юнон-рум кураши усталари ҳамда таэквондочилар қўлга киритган ютуқлар мухлису мутахассисларни хушнуд этди.

Пекин Олимпиадасигача бўлган давр — сўнгги тўрт йил Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган иқтидорли спортчилар авлоди вояга етаётганини кўрсатди. Спортчиларимизнинг 2007 йилнинг ўзида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирларда жами 395 та медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

Пекин Олимпиадасига энг кўп йўлланмани — ўн иккита — енгил атлетика усталари қўлга киритди. Улар орасида Светлана Радзивил, Виталий Смирнов, Гўзал Хуббиева, Бобур Шокиржонов, Юлия Тарасова, Анастасия Свечникова каби спортчилар бор.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда спортга баркамол авлод ва комил инсон тарбиясининг муҳим йўналиши сифатида қаралади. Ўзбекистон оммавий спортни ривожлантириш орқали халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ва халқаро майдонларда юртимиз шаънини ҳимоя қилишга қодир спортчилар авлодини тарбиялаш йўлидан бормоқда. Истиқлол йилларида аҳолини, айниқса, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чекка қишлоқларда ҳам спорт билан шуғулланиш учун етарлича шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Оммавий спорт тараққиётида Юртбошимиз раҳнамолигида кашф этилган ва жаҳон тажрибаси учун янгилик бўлган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари муҳим омил бўлмоқда. Ушбу мусобақалар тизими фарзандларимизни ватанпарвар, миллатсевар, ҳаёт синовларига бардошли, бағрикенг, жисмонан етук қилиб тарбиялашдан ташқари, жойларда замонавий спорт иншоотлари ва сув ҳавзалари барпо этилишига ҳам хизмат қилаётир.

Ушбу уч босқичли узлуксиз тизимнинг юксак самараларини олимпиадачиларимиз орасида "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиадаларда кашф қилинган спортчиларнинг кўплиги ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, мамлакатимизнинг энг кучли енгил атлетикачиларидан бири — Светлана Радзивил дастлабки юқори натижаларини 2002 йилда Фарғонада ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида намойиш қилган. Пекинга келган спортчилар орасида Мария Бугакова, Темур Эргашев, Даниил Бугаков, Ирина Шлемова каби мазкур уч босқичли спорт тизими кашфиётларининг борлиги ҳам спортни ривожлантиришда тўғри одимлаётганимизни яна бир карра тасдиқлайди.

Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган ютуқлари доимо рағбатлантириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июлдаги 2008 йил Пекин шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтадиган XXIX ёзги Олимпия ва XIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон Республикаси спортчиларини тайёрлаш ва иштирок этиши тўғрисидаги қарорига асосан, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари совриндорлари — Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шон-шуҳратини оширишга қўшган муносиб ҳиссасини эътироф этиш мақсадида пул мукофотлари белгиланди.

..."Қуш уяси" стадионида 204 мамлакат жамоаси саф тортади.

Олимпиада ўйинлари мадҳияси янграб, XXIX Олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилади.

Олимпиада ўйинларининг ватани — Олимпия шаҳрида қуёш нурларидан аланга олдирилган машъала стадионга олиб кирилди. Жорий йилнинг 24 март куни ўт олдирилган бу машъала 137 кун давомида дунёнинг барча қитъаларидаги 22 мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтилди.

Олимпиада машъаласини хитойлик машҳур гимнастикачи Ли Нин ёқади. Тинчлик рамзи — кабутарлар кўкка парвоз қилади.

Шундай қилиб, XXIX Олимпиада ўйинлари бошланди. Унда ўн олти минг олимпиадачи спортнинг ўттиздан зиёд тури бўйича 302 медаллар жамланмаси учун кураш олиб боради. Мезбонлар Олимпиада иштирокчилари ихтиёрига ўттиз еттита спорт иншооти, етмиш олтита машғулот майдонларини топширди.

Мустақил Ўзбекистон спортчиларининг ёзги Олимпиада ўйинларидан ҳамиша медаллар билан қайтиши кутлуғ анъанага айланган. Бу олимпиадачиларимизнинг Пекиндаги мусобақаларда ҳам юксак ғалабаларни қўлга киритишига қатъий ишонч бағишлайди.

# АГРОФИРМА МАҲСУЛОТИ — ЭКСПОРТГА

***Саховатли заминимиз қуёшидан нур эмган мева борки, бари — дармондори. Қуритилган, шарбатга айлантирилган ана шу неъматдан баҳорнинг «илигузилди» чоғигача баҳраманд бўласиз. Наманган туманининг Ровустон қишлоғидаги мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхонаси «Агроэкспортсервис» хусусий агрофирмасида бугун шундай маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилган.***

Бу агрофирма ўтган йил кузида пойтахтда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар кўргазмасида 450 минг АҚШ доллар миқдоридаги ускуналарни харид қилган эди. Улар серунум экан. Масалан, Туркиянинг «Биктен» русумли қуруқ мева тайёрлаш линияси кунига 10 тонна маҳсулотни қайта ишлай олади. Борйўғи икки киши хизмат қиладиган мазкур линияга хом ашё етказиб турилса кифоя, мевани ўзи ювиб, тозалайди, қуритиб, жўнатишга тайёр ҳолда қадоқлаб беради.



▼ Жараён

Корхонанинг ишга тушиши қишлоққа саноатни олиб кириш баробарида кўплаб ёшларни муқим иш ўрни билан таъминлаш имконини берди. Айтайлик, бугун бу ерда 70 нафардан ортиқ йигит-қиз астойдил ишлаб, рўзғорига қут-барака киритяпти. Маҳбуба Мирзаалиева — шулардан бири. У анча уқувли экан, қисқа фурсатда томат тайёрлаш линиясини бошқаришни ўрганиб олди. Қўшни Миришкор қишлоғидан келган Жаннатхон Каримова эса икки дугонаси билан биргаликда сабзавотни майдалаш механизмини юргизяпти.

— Корхонамиз ўтган йил кузида иш бошлаган бўлишига қарамай, мавжуд қувватлар жуда тез ўзлаштирилди, — дейди агрофирма раиси ўринбосари Евгений Пак. — Айни кунларда ойига 70 тоннагача қуруқ мева, 120 тоннадан ортиқ консерва ва томат пастаси тайёрлаяпмиз. Хом ашёдан кўнглимиз тўқ, тумандаги 30 дан зиёд фермер хўжалиги билан шартнома тузганмиз. Улар ҳозиргача 200 тоннадан ортиқ мева, 300 тоннага яқин пиёз, лавлаги, помидор топширишди.

Янги корхонада тайёрланаётган қуритилган мева, табиий шарбат ва томат пастасининг асосий қисмини хорижликлар олиб кетишаяпти. Ўтган йил якунларига кўра, 3 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиётлари бажарилган бўлса, жорий йилда Голландия, Туркия, Россиядаги ҳамкорлар билан ярим миллион долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзолангани шундан далолат беради. Тез орада эса тайёр маҳсулотларнинг дастлабки туркуми Россияга жўнатилади.

— Деҳқончиликнинг нозик жиҳатларидан бири шундаки, ҳосил бирдан пишиб етилгани туфайли уни бозорга олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди, — дейди тошбулоқлик фермер Ҳ. Нурматов. — Шундай бир пайтда мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини айнитиб юборган пайтларимиз ҳам бўлган. Бахтимизга, шундоққина ёнгинамизда консерва заводи очилгани натижасида бундай ташвишларимиз барҳам топди. Маҳсулотни топширсак бўлди, пулини дарров ҳисоб-китоб қилишяпти. Мана, ўзим 4 гектар майдонга помидор экқандим, ҳозиргача 20 тоннадан ортиқ ҳосилни қайта ишловчиларга етказиб бердим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил дала ва боғларда ҳосил ҳар қачонгидан-да мўл. Деҳқон ва соҳибкорлар пешма-пеш саранжомлаётган неъматларнинг анчагина қисми шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига узлуксиз етказиб берилмоқда. Жумладан, «Наманганагроэкспортсервис»нинг омборида ҳам харидорларга жўнатиш учун шай қилиб қўйилган, бежирим қутиларга қадоқланган қуруқ мева, сабзавот, табиий шарбат ҳамда турли тузламалар миқдори кун сайин кўпаймоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Самарқандда одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ИНСОН ШАЪНИ — МУҚАДДАС

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мажлисда Президентимизнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилиш иштирокчилари жамият тараққиётига жиддий таҳдид солиб, умуминсоний қадриятларнинг поймол этилишига сабаб бўлаётган одам савдоси ва унга қарши курашиш жаҳон жамоатчилиги олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётганини қайд этдилар. Ҳар йили минг-минглаб кишилар ана шу мудҳиш иллат қурбонига айланаётгани, улар орасида болалар ва аёлларнинг ҳам борлиги бутун дунё аҳлида катта ташвиш уйғотаётгани, ушбу хатарга қарши кўрилаётган чораларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши курашиш, одам савдосининг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада юртимизда ҳуқуқий-меъёрий база шакллантирилди. Жорий йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Жойларда ҳушёрлик ва огоҳликни янада кучайтириш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар юртимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам қайд этилмоқда. Айрим манфур кимсалар баъзи содда, ишонувчан ҳамюртларимизни ўз тузоғига туширмоқда.

Бундай жиноятлар Самарқанд шаҳри, Жомбой, Оқдарё, Самарқанд туманларида кўп кузатилаётир. Йил бошидан буён ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан одам савдоси билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан ўнлаб жиноий ишлар қўзғатилгани ҳам шундан далолатдир.

Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимлик ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг бу муаммога қарши курашиш борасида амалга ошираётган ишлари атрофлича муҳокама этилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ САЛОҲИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровонлигини, ёш авлод камолотини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Халқимизга хос яратувчилик ва бунёдкорлик бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Асрларга татигулик бундай ишларни амалга оширишда миллий шаҳарсозлик ва меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий архитектура-қурилиш технологиялари ўзаро уйғун тарзда олиб борилаётир, бунда иншоотларнинг мустаҳкамлигига, хавфсизлигига, экологик мукаммаллигига алоҳида аҳамият қаратилаётир.

Бу жиҳатлар пойтахтимизнинг кун сайин янада кўркамлашиб, обод бўлиб бораётганида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, азим пойтахтимизда кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мавжуд қадимий обидалар ва ёдгорликлар юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганилиб, қайта тикланаётир. Тарихий-маданий аҳамиятга эга иншоотларни таъмирлаш ишлари уларнинг асл қиёфасига мос тарзда, белгиланган меъморий талаблар асосида олиб борилаётгани эътиборга моликдир.

Айни пайтда "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкентда янгидан-янги мактаблар, коллеж ва лицейлар, болалар бадиий ижодиёти маркази, мактабдан ташқари таълим-тарбия даргоҳлари, ёшлар боғлари, кўркам хиёбонлар, спорт-соғломлаштириш масканлари, тиббиёт мажмуалари, диспансерлар, шифохоналар, оилавий поликлиникалар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Йиғилишда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЛ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Истиқлол йилларида Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудудда одамлар турмушини яхшилаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлди. Чунончи, 1998 йили "Тоза сув. Санитария ва аҳоли саломатлиги" кенг кўламли лойиҳасини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди ва ишлар миқёси янада ортди.***



▼ Қарор ва ижро

Хусусан, яқинда Урганчда сув тозалаш иншоотлари мажмуасини таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари бошланди. Шуни айтиш керакки, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 10,649 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Эроннинг "Шимбар Ко" компанияси ҳамда маҳаллий қурилиш ташкилотлари фаолияти натижасида мазкур мажмуа кунига 100 минг куб метр сувни тозалаш қувватига эга бўлади. Айни пайтда сув тозалаш иншоотлари энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Такомиллаштирилган технологиялар самараси ўлароқ, бутун жараён компьютер ёрдамида бошқарилади. Бу эса Урганч, Хива, Гурлан, Шовот, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё тумани аҳолисини сифатли, халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган тоза ичимлик суви билан таъминлашга замин яратади.

**СУРАТДА: муҳандис-техник Файзулло Очилов ва оператор Баҳодир Жонибеков.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

▼ Яхши хабар

***Бекобод туманининг Маллабой қишлоғида қарийб минг гектар ерга сув етказиб берадиган янги насос станцияси фойдаланишга топширилди.***

## Янги насос станцияси

Секундига 1 куб метр сув чиқариш қувватига эга ушбу иншоотни барпо этишда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Чиноз тумани ҳокимликлари, Чирчиқ-Далварзин ирригация тармоқлари ҳавза бошқармаси, Ўзбекистон тоғ-металлургия комбинати, саховатпеша фермерлар катта ёрдам беришди. Ҳомий ташкилотлар томонидан жами 961,3 миллион сўмлик иш бажарилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОФТОБГА ҚАРАГАН УЙЛАР

***Пастдарғомликлар бунёдкор эл. Бу ерда «Уй-жой қурсам, боғ-роғ яратсам», дейдиганлар кўп. Кимдир шундай эзгу ният билан терак экади, яна кимдир тураржойию хонадонини обод қилиш мақсадида катта қурилиш бошлайди. Шу боис бугун туман миқёсида якка тартибда уй-жой қурувчилар, хусусан, қишлоқ жойларида янги тураржой биноларини барпо этиш, ёш оилаларнинг қурилиш бошлаши учун ер майдонлари ажратишга катта эътибор қаратилмоқда.***

▼ Қишлоқ меъморчилиги

Бинобарин, туманда Вазирлар Маҳкамасининг "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори асосида суғорилмайдиган майдонлардан аҳолига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилаяпти. Низомда қайд этилганидек, ер майдонлари ажратиш намунавий ёки якка тартибда ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида, қишлоқ шароитидан, қурилиш эгаларининг моддий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилаяпти.

— Мана бу уйлар Беклар қишлоғида яшовчи ака-ука — Ўролбек ва Собирбек Ғаффоровларники, — дейди туман бош меъмори Шуҳрат Мўминов. — Ушбу хонадонларнинг лойиҳа қиймати 60 миллион сўмга тенг. Лойиҳа тузиш асносида тураржойнинг барча қулайликлари ҳисобга олинган. Бино пойдевори мустаҳкам, омбор вазифасини ўтайдиган каттагина ертўласи бор. Ошхона, тандирхона, ҳаммом, гараж, молхона каби зарурий иншоотлар замонавий услубда қурилади. Бундан ташқари, коммуникация тизими борасида ҳам барчаси аниқ-равшан мўлжалга олинган.

Гарчанд, ҳали қурилиши ниҳояланмаган бўлса-да, бу уйнинг ҳавас қилса арзирли даражада кўркамлик касб этажаги ҳозирданоқ билиниб турибди. Уйнинг олд қисми қуёшга қаратиб қурилаяпти, негаки, деразаларидан офтоб нури тушиб турган хонадон ҳамиша ёруғликка тўла, шинам ва файзли бўлади. Азалда ота-боболаримиз бежиз бундай хонадондан қут-барака аримайди, дея ишонишмаган. Аждодларимизнинг эзгу анъаналари бугун ҳам бардавом эканлиги қувонарли...

Туманда маҳаллий қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир. Хусусан, яқинда Чимбой қишлоғида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Қайирма қишлоғида ҳам шундай корхона қурилиши бошланди. Бўлажак ғишт заводига катта йўл ёқасидан 7 гектар ер ажратилди. Йил охирига қадар юқори қувват билан ишлайдиган яна иккита шундай корхона ишга туширилиши режалаштирилаяпти.

Теракзорлар барпо этиш, қурилишбоп дарахтларни кўпайтириш борасида пастдарғомликлар кўпчиликка ўрнак. Улар ота-боболаримиздан қолган бебаҳо қадрият — фарзанд туғилганида унга атаб терак экиш удумига ўзгача ҳафсала билан ёндашишади. Шу сабабдан, Пастдарғомнинг қишлоқларида толу терак сингари қурилишбоп дарахтлар сероб.

Тўғри, бу ерларда ҳам ўз тураржойини обод қилиш, фарзандларининг бекаму кўст, фаровон турмушини таъминлаш ўрнига, дабдабали тўйлар қилиб, исрофгарчиликка йўл қўйишни афзал билгувчилар топилади. Оқибатда, замонавий лойиҳа асосида қурилиш бошлаб қўйиб, пишиқ ғишту цементга келганда камхарж бўлиб қолиш ҳолатлари учрайди-ю, қурилиш чўзилади. Минг бир мулоҳаза юритиб, ақл билан иш тутадиганлар эса данғиллама иморат солиб ҳам ҳамёним бўшаб қолди, дейишаётгани йўқ, билсангиз!

Пастдарғом — ҳудуд жиҳатидан катта. Тумандаги 162 та қишлоқда 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Эътиборлиси, одамларимизнинг уй-жой шароитини яхшилаш борасидаги тушунчалари кундан-кун ўзгариб бораяпти. Буни пухта лойиҳа асосида уй қуриш ва уни ҳужжатлаштириш мақсадида туман архитектура бўлимига мурожаат қилаётганлар сонидан ҳам билиш мумкин. Қолаверса, аҳоли орасида якка тартибда уй-жой қуриш учун банклардан кредит олаётганлар бугун кўпчиликни ташкил этмоқда.

Дарвоқе, айни пайтда Димишқибола, Сарибош, Торариқ, Болатош қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги янги қишлоқларнинг ҳаммаси туман архитектура бўлими мутахассислари тайёрлаган бош лойиҳа асосида барпо этилаяпти. Лойиҳага мувофиқ, келажакда бу ҳудудларда мактаб, боғча, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва савдо иншоотлари қурилади, қишлоқлар газ, электр, ичимлик суви билан таъминланади.

Гапнинг индаллоси, Пастдарғомда нурга чулғаниб тургувчи шинам ва ораста хонадонлар кўпайгандан-кўпайиб бораётир. Бу уйларда келажагимиз ворислари бўлмиш фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун махсус майдончалардан тортиб, яшаш учун неки қулай шароит зарур бўлса, барчаси муҳайё қилинаётганидан бениҳоя қувонасан, киши.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Портловчи ускуна зарарсизлантирилди

***Франциянинг денгиз соҳилларидаги дам олиш масканларига ўрнатиб кетилган учта портловчи ускуна зарарсизлантирилди.***

«AFP»нинг хабар беришича, портловчи моддаларнинг иккитаси сайёҳлар гавжум Арканг ҳудудидан топилган. Яна бир бомба Буко ва Ондр шаҳарларига қатновчи тезюрар поездга ўрнатилган экан.



Сапёрларнинг таъкидлашича, номаълум шахс ўт учириш бўлимига қўнғироқ қилиб, бешта жойга портловчи ускуна ўрнатилгани ҳақида маълумот берган. Махсус гуруҳ айни дамда яна иккита қурилмани қидирмоқда.

## Қатнов бекор қилинди

***Германиянинг "Lufthansa" авиакомпанияси учувчиларининг иш ташлаши муносабати билан жума куни 140 та йўналишдаги қатнов бекор қилинди.***

Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди. Ишчилар раҳбариятдан маошларини оширишни сўрашмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, компанияда бир неча ҳафтадан буён давом этаётган иш ташлашлар натижасида 360 та парвоз амалга оширилмаган.

## Ҳалокат оқибати

***Чехияда йирик темир йўл ҳалокати содир бўлди.***



"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, Польшанинг Краков шаҳридан Прагага йўл олган йўловчи поезди таъмирлаш ишлари олиб борилаётган кўприкдан ўтаётганда ҳалокатга учради.

Полиция вакилларининг таъкидлашича, фожиа оқибатида ўн киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд йўловчи турли даражада жароҳатланган.

## Инқирозга учраши мумкин

**Яқин беш-ўн йил ичида жаҳон иқтисоди нефтнинг қимматлашиши туфайли жиддий инқирозга учраши мумкин.**

**Буюк Британиянинг "The Chatham House" тадқиқот агентлиги томонидан ўтказилган сўровнома якунидан сўнг шундай хулосага келинди. Унга кўра, "қора олтин"нинг бир баррели тез орада 200 долларга етади.**

**Олимлар эса нефть инқирози 2013 йилдан бошланишини таъкидлашди.**

## «Сичқонча»дан воз кечилади



***"Gartner" ташкилоти ходимларининг фикрича, яқин беш йил ичида компьютерларнинг "сичқонча" қурилмалари хизматидан бутунлай воз кечилади.***

Мутахассислар "сичқонча"лар ўрнини фойдаланувчига анча қулайлик туғдирадиган янги интерактив мосламалар эгаллашини айтишмоқда. Бироқ шундай қурилмаларни ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур "Logitech" компанияси вакиллари бу фаразга қарши чиқишди. Чунки "сичқонча" қурилмасининг кашф этилганига, ҳадемай, қирқ йил тўлади. Шу вақт ичида истеъмолчилар ундан нолишмаган.

"Logitech" компанияси сўнгги 20 йил ичида 500 миллион "сичқонча" сотган.

## Жиноятчи қўлга олинди

***Канада полицияси жаҳондаги энг ашаддий 30 нафар жиноятчидан бирини қўлга олди.***

«RAI» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, «Ндрангета» жиноий гуруҳининг 41 ёшли етакчиси Жузеппе Колюччо Торонто шаҳрида ҳибсга олинди.

У Канадада 2005 йилдан буён яшириниб юрган эди. Колюччо, асосан, гиёҳванд моддалар етказиш билан шуғулланган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

***Дард кутилмаган, чақирилмаган меҳмон. Бутун вужудидан куч ёғилиб турадиган Толибжон қувватдан кетиб, аҳволи оғирлаша бошлади. Кейин қўл-оёғи ишламай, тўшакка «михланиб» қолди. Узоқ-яқиндан келган табиблар, ўзларини тиббиёт билимдонлари, деб ҳисоблаганлар йигитнинг қон томирини ушлаб кўришар, ҳароратини ўлчашар, иштаҳаси қандайлигини сўраб-суриштиришар ва ниҳоят, елка қисишдан нарига ўтолмасдилар. Толибжоннинг ҳаёт шами сўнар ҳолатга етганида уни Андижон тиббиёт институтининг клиник шифохонасига келтиришди. Йигитнинг яқинлари, қариндош-уруғлари беморни обдан текшириб кўраётган Қобилжон Худойбердиевга умид кўзларини тикишди.***

— Хавотирланманглар, — деди жарроҳ ядро магнит резонансли томограф текширув аппаратида олинган суратларни диққат билан кўздан кечирар экан. — Орқа миянинг биринчи, иккинчи сегментида ўсмали ўзгариш бор. Операция қиламиз. Отдек бўлиб кетади.

Инсон яхшиликни унутмайди. Бир кун туз ичган жойига қирқ кун қуллуқ қилади. Толибжон дарду дунёсига малҳам қўйган халоскорларини унутмайди, унутолмайди. Профессор Қобилжон Худойбердиев ва унинг сафдошлари Толибжоннинг шодлигию қувончини баҳам кўрдилар.

Биз Андижон давлат тиббиёт институти клиник шифохонасида бўлдик. Бош ҳаким ўринбосари Муҳаммадхолиқ Мадаминов Юртбошимиз раҳнамолигида тизимдаги ислоҳотлар рўёби ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда давлат дастурлари асосида клиникада замонавий текширув, ривожланган мамлакатлардаги даволаш усулларидан асло қолишмайдиган тиббий хизмат, эндоскопия, рентген ва радиология текшируви, мураккаб биокимёвий таҳлиллар амалиётда қўллана бошланганини фахр ила гапирди.

Институт ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М. Хўжамбердиев ташаббуси билан клиникада телетиббиёт маркази ҳам ташкил этилдики, бу Германия, Россия Федерациясининг таниқли олимлари билан бамаслаҳат даволаш ишлари олиб боришда ғоят қўл келмоқда. Шу билан бирга, жаҳон тиббиётида юз бераётган янгиликлардан вақтида хабардор бўлиш, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш, даволаш усулларининг самарадорлиги хусусидаги маърузаларни тинглаш имконини ҳам бераётир.

**Тиббиёт**

Водийда ягона ҳисобланган мазкур шифохона 730 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 24 та даволаш ҳамда 16 та ёрдамчи бўлим фаолият кўрсатмоқда. Миллат баркамоллиги ва бардавомлигини таъминлаш, аҳолининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ана шу тармоқлар орасида нейрохирургия бўлими алоҳида нуфузга эга.

— Биз шифокорлар ҳам, беморлар ҳам юртимиздаги даволаш муассасаларининг илғор диагностика аппаратлари билан жиҳозланишига бевосита бош-қош бўлаётган Президентимиздан миннатдормиз, — дейди профессор Қобилжон Худойбердиев. — Германиядан келтирилган ядро магнит резонансли томограф текширув аппарати чинакам мўъжиза. Касалликни аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишда ҳозирча унга етадигани йўқ. Умуртқа ўсмаларини вертебропластика усулида даволаш йўлга қўйилди. Бунда Москва медицина академияси травматология-ортопедия кафедраси мутахассислари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилмоқда.

Замонавий шифокор ўтган вақт тажрибаси, бугуннинг амалиёти билан чегараланиб қолмайди. Айни пайтда унинг эртанги кун режаси билан нафас олмоғи, тизимда содир бўлаётган янгиликларни илғамоғи ва ниҳоят, ўзи ҳам шу жараённинг олдинги сафида бўлмоғи талаб этилмоқда. Нейрохирургия бўлими шифокорлари шу маънода Тошкент травматология илмий-тадқиқот институти, республика нейрохирургия илмий маркази, Тошкент тиббиёт академияси билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Шунингдек, Москва медицина академиясининг травматология-ортопедия кафедраси, Н.Н. Бурденко номидаги Россия Федерацияси нейрохирургия илмий-тадқиқот институти жамоаси билан ҳам яқиндан алоқалар ўрнатилган.

Қобилжон Худойбердиев раҳбарлик қилаётган мазкур шифохонада нафақат водий вилоятларидан, балки мамлакатимизнинг турли сарҳадларидан нажот истаб келган беморлар ҳам даволанадилар. Умуртқа поғонаси силжиб, юролмай, букилиб қолган кишиларнинг қувончдан чақнаган кўзларини, юзларига ёйилган табассумини кўриш қандай яхши!

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг

## ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ АГЕНТЛИГИ

*юридик бўлим бошлиғи лавозимига танлов асосида ҳужжатлар қабул қилинишини эълон қилади.*

**Номзодлар учун қўйиладиган танлов талаблари:**

- *олий ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлиши;*
- *ҳуқуқшунослик соҳасида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эгалиги;*
- *компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлиши;*
- *ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;*
- *талабгорнинг ёши 40 дан ошмаган бўлиши;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.*

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни (резюме) 252-62-07 факси орқали жўнатишлари ёки қуйидаги манзилга тақдим этишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 31-уй, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг умумий бўлими.**

**Маълумот учун телефонлар: 252-33-79, 232-27-88.**

1276R/1312

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий **очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2006 йил 19 сентябрдаги 1-7730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, Б. Маҳмудий кўчасида жойлашган 15-уй-жой, умумий қурилиш майдони 397,82 кв.м.дан иборат, таркибида: А, А4-литерларда яшаш уйи, А1-литерда айвон, А2, А3, А5, А6-литерларда бостирма, Б-литерда ҳаммом, В-литерда ёрдамчи бино, А-литерда 50,40 п/м бўлган девор.

*Бошланғич нархи — 44 993 441 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 26 август куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.**

**Лицензия: DB 001 № 000004.**

1280Н/1277

## Замонавий матбаачилик технологияси

Хива шаҳридаги «Комил-Эркин» савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонасида вилоятда биринчи бўлиб замонавий матбаачилик технологияси асосида флексографик босма линияси ишга туширилди.

**Интилиш**

Янги технология ёрлиқлар ва қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Банк кредити асосида 100 миллион сўмга Хитойдан келтириб ўрнатилган линияда тайёрланаётган маҳсулотга Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятидан ҳам буюртмалар туша бошлади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КООРДИНАТОРИ ВАКОЛАТХОНАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА

«АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚИСМИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ» ТЎҒРИСИДАГИ ЛОЙИҲАНИ БАЖАРИШГА КИРИШДИ.

Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи сифатида «Кичик ижтимоий лойиҳалар танлови» белгиланди.
Шунга кўра, сизларни ушбу танловда қатнашишга таклиф этамиз.

Танловда қатнашиш шартларини www.ngo.uz сайтидан билишингиз мумкин.
Маълумот учун телефон: (+99897) 743-62-36,
соат 9.00 дан 19.00 гача.

**ИЖТИМОИЙ ЛОЙИҲАЛАР КОМИССИЯСИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҲАВОЛА ҚИЛИНАДИ:**

1. Молиялаштириш учун тўлдирилган сўровнома.
2. Ташкилот рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
3. Охирги давр учун баланс ҳисоботи (ўтган йил учун).

**МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН СЎРОВНОМА ШАКЛИ ИЖТИМОИЙ КИЧИК ЛОЙИҲАЛАР**

1. Лойиҳа номи__________________________________
2. Корхона номи__________________________________
   - Алоқа учун ажратилган боғловчининг Ф.И.Ш.
   - Почта манзили:
   - Корхона жойлашган манзил:
   - Электрон почта:
   - Телефон:
   - Факс:

3. Лойиҳанинг умумий мақсади
3а. Лойиҳа муддати
4. Сўралаётган умумий сумма (сўз билан)
5. Лойиҳанинг қисқача тавсифи (баёни)
6. Имзо ________________ Ф.И.Ш. Сана

**ТАШКИЛОТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ (асосий маълумотлар)**

7. Сўровнома берувчи.
   *Бу ерда ташкилотингиз тўғрисида қисқа маълумот беринг. Ташкилотнинг мақсади ва фаолияти нима? Кимнинг қизиқишларини эътироф этасиз? Қандай фаолият ва хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланасиз?*
8. Мақсадли гуруҳ.
   *Лойиҳа кимларга фойда келтиришини тавсифлаб беринг?*
9. Лойиҳани асослаб бериш.
   *Қандай муаммолар билан тўқнашдингиз? Қайси муаммони ҳал қилмоқчисиз?*
10. Лойиҳа якунидан қандай ютуқлар кутмоқдасиз?
11. Лойиҳанинг бажарилиши. *Лойиҳа қаерда, қачон ва қандай бажарилади?*
12. Ушбу хабарномага қуйидагиларни қўшиб қўйинг:
   *а) иш режаси; б) лойиҳанинг бажарилиш графиги (ой ва хафталарга мўлжалланган).*
   *Иш режасида ташкилий ишлар ҳамда лойиҳа бажарилиши навбатлари ҳисобга олинган бўлиши шарт.*
   *Лойиҳа режаси (ой ва хафталарга бўлинган ҳолда) ҳар бир этапи ва муддати асосланган ҳолда бўлиши керак.*

| Ҳаракат этаплари | 1-2 ой | 3-4 ой | 5-6 ой |
|---|---|---|---|

13. Лойиҳа бюджети.
   *Ушбу сўровномага лойиҳа тўлиқ бюджетини ҳавола этинг.*

| Сарф-харажат турлари | Ўзининг ҳисобидан (сўмда) | Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори | Жами (сўмда) |
|---|---|---|---|
| Лойиҳа бўйича жами | | | |

14. Марҳамат қилиб, қуйидагиларга жавоб беринг:
   ** Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботга ким жавобгар?*
   ** Банк реквизитларини тўлиқ кўрсатинг.*
15. Лойиҳани бажарувчилар резюмеси.
16. Лойиҳанинг бажарилишидан кутилаётган мақсадлар?
17. Ариза топшираётган ташкилотнинг иш тажрибаси.

## Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали

**нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Вилоят хўжалик судининг 2005 йил 26 сентябрдаги 19-0504-3224-сонли ижро варақасига асосан, Шеробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Э. Бердиев фермерлар уюшмасида жойлашган мол тайёрлаш ва бўрдоқига боқиш фермаси.

*Бошланғич баҳоси — 52 500 000 сўм.*

**2.** Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 24 апрелдаги 19-0604-423-сонли, 2007 йил 26 июлдаги 19-0704-2749-сонли, 2008 йил 6 мартдаги 19-0805-347-сонли ижро варақаларига асосан, Бойсун тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Сайроб» ширкат хўжалигига тегишли, «Сайроб» ш/х, «Чилозор» маҳалласида жойлашган, 1977 йилда қурилган, таъмирталаб молхона ва ёрдамчи бинолар.

*Бошланғич баҳоси — 368 310 129 сўм.*

Аукцион савдолари ***2008 йил 10 сентябрь*** куни соат 11.00 да Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биносининг савдолар залида ўтказилади.

**Шунингдек, 27 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Вилоят хўжалик судининг 2006 йил 17 апрелдаги 19-0609-515-сонли ҳамда 2007 йил 14 августдаги 19-0704-3482-сонли ижро варақаларига асосан, Сариосиё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хамрус» ф/хга тегишли жўжаларни парвариш қилиш цехи, К 1, бинонинг ҳажми 15552,0 куб.м, 1985 йилда қурилган.

*Бошланғич баҳоси — 45 915 177 сўм.*

**II.** Вилоят хўжалик судининг 2007 йил 10 декабрдаги 19-0704-7351-сонли ижро варақасига асосан, Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Сурхондарётрансэкспедиция» МЧЖга тегишли, Термиз шаҳри, Т. Мирзаев кўчаси, 128-уйда жойлашган 8 хонадан иборат, 2 қаватли, ишчи ҳолатдаги, фойдаланиш майдони билан маъмурий бино.

*Бошланғич баҳоси — 50 818 995 сўм.*

**III.** Вилоят хўжалик судининг 2008 йил 15 январдаги 19-0704-10604 сонли, 2007 йил 26 мартдаги 19-0603-4717-сонли ҳамда 2008 йил 15 январдаги 19-0704-10604-сонли ижро варақаларига асосан, Жарқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда жойлашган, «Жарқўрғон УЧМС» МЧЖга қарашли, 1996-1997 йилларда қурилган, 2 қаватли, 28 хона ва бир залдан иборат, умумий майдони 3334,2 кв.м., фойдаланиш майдони 532,8 кв.м., қурилиш майдони 532,8 кв.м. бўлган маъмурий бино.

*Бошланғич баҳоси — 153 021 131 сўм.*

**IV.** Вилоят хўжалик судининг 2007 йил 27 ноябрдаги 19-0704-7122-сонли ижро варақасига асосан, Бандихон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Бандихон тумани марказида жойлашган, «Бандихон машина трактор парки» АЖга қарашли:

***1.*** 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Кейс-2166» русумли, давлат белгиси 83-41 СН, двигатель рақами 45453639 бўлган комбайн.

*Бошланғич баҳоси — 79 618 000 сўм.*

***2.*** 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Магнум-8940» русумли, давлат белгиси 83-33 СН, двигатель рақами 45668385 бўлган трактор.

*Бошланғич баҳоси — 64 229 550 сўм.*

**V.** Вилоят хўжалик судининг 2008 йил 7 февралдаги 19-0803-702-сонли, 2008 йил 19 майдаги 19-0804-1999-сонли, 2007 йил 15 октябрдаги 19-0701-6213-сонли, 2008 йил 17 мартдаги 19-0809-1527-сонли, 2008 йил 17 мартдаги 19-0809-1528-сонли, 2008 йил 6 мартдаги 19-0805-1255-сонли, 2007 йил 11 сентябрдаги 19-0705-6379-сонли ижро варақаларига асосан, Шўрчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган «Шўрчи пахта» ОТХЖга тегишли:

***1.*** Пахта сақлаш омборхонаси, майдони — 688,0 кв.м., 2000 йилда қурилган.

*Бошланғич баҳоси — 102 572 223 сўм.*

***2.*** Пишиқ ғиштдан қурилган, майдони 546 кв.м.дан иборат таъмирталаб маъмурий бино, 1978 йилда қурилган.

*Бошланғич баҳоси — 88 409 941 сўм.*

**VI.** Вилоят хўжалик судининг 2007 3 сентябрдаги 19-0709-5164-сонли ижро варақасига асосан, Термиз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Учқизил моддий таъминот» МЧЖга тегишли, қурилган йили номаълум, 2 қаватли, фойдаланишга яроқли, фойдаланиш майдони 363,60 кв.м. бўлган маъмурий бино.

*Бошланғич баҳоси — 91 737 766 сўм.*

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқорида кўрсатилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдоларда катнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452053, «Даврбанк» Термиз шаҳар минибўлими, МФО 00981, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-376) 227-25-49. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**

***Лицензия: DB 001 № 000004.***

## «Ўзбекэнерго» ДАКнинг тендер комиссияси

**«Истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш дастури мажмуи»ни сотиб олиш бўйича очиқ тендер тугаганлигини маълум қилади.**

**Тендерда «Истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ва улар билан ҳисоб-китоб қилиш дастури мажмуи»ни ишлаб чиқиш учун 277 000 000 (икки юз етмиш етти миллион) сўм нархни таклиф этган Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр берк кўчаси, 13-уйда жойлашган «FIDO-BIZNES» МЧЖ ғолиб деб эълон қилинди.**

Шеърият дафтаридан

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

# СЕНИ ФАЛАКЛАР ҲАМ КЎТАРГАЙ БОШГА

## Ватан учун яшайлик

*Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,*
*Йўлларингга сочқилар сочилмаган дердилар.*
*Ўн гулинг ҳам чарақлаб очилди-ку, оҳ, юртим,*
*Йўлларингга зар-кумуш сочилди-ку, оҳ, юртим.*

*Ўзбекистон — ягона Ватан учун яшайлик,*
*Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.*

*Айтмасинлар ғанимлар, кимларгадир зор бу юрт,*
*Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.*
*Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,*
*Туғросини, тахтини, Исломини асрагай.*

*Ўзбекистон - ягона Ватан учун яшайлик,*
*Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.*

*Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,*
*Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.*
*Ватандошим, шу тенгсиз Ватанни куйлашайлик,*
*Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.*

*Ўзбекистон - ягона Ватан учун яшайлик,*
*Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.*

## Озодлик

*Қуёш тутилганда қадим аждодлар,*
*Ўзларин йўқотмиш қўрқув, титроқда.*
*Самога термилиб қилмиш фарёдлар:*
*- Қуёш банди бўлди! Қуёш сиртмоқда!*

*Балки бу қиёмат кунидан хабар,*
*Балки куфримиз кўп, гуноҳимиз зил.*
*Шундоқ хитоб этмиш ҳазрат Пайғамбар:*
*- Қуёш тутилганда қулни озод қил!*

*Нечоғли тансиқсан озодлик сўзи,*
*Сени фалаклар ҳам кўтаргай бошга.*
*Коинот машъали бўлса ҳам ўзи,*
*Озодлик керакдир ҳатто қуёшга!*

2008 йил, 4 август

## Дуо

*Бир кун эшигингдан кирар бўлсам гар,*
*Менга тама билан боқма, мезбоним.*
*Йўқдир менда мансаб, мол-мулк, олтин-зар,*
*Борим шулдир фақат: тандаги жоним.*

*Афсуски, ҳаким ҳам эмасман, демак,*
*Сени этолмасман дардлардан халос.*
*Балки сенга чин дўст, чин ҳамдам керак,*
*Улар ўзимга ҳам кераклиги рост.*

*Шеърий совғаларим мўл эрур, аммо,*
*Хурсанд бўлгум уни тинглаган онинг.*
*Кетар чоғи эса қилурман дуо,*
*Агарда қиммати бўлса дуонинг...*

2008 йил, 3 август



## Йўртиб ўтар

*Эл ичида бўртиб ўтар тўрт-беш киши,*
*Дуч келганни туртиб ўтар тўрт-беш киши.*
*Ўлжа излаб бу дунёнинг саҳросида,*
*Қашқир каби йўртиб ўтар тўрт-беш киши.*

2008 йил, 3 август

## Кўникиш

*Дунё бола учун улкан, албатта,*
*Митти жусса билан полвон, шер эдик.*
*Бирон қарияни кўрсак, ҳайратда*
*Фалон ёшда эмиш, наҳот, дер эдик.*

*Болалик, йигитлик шамолдай елди,*
*Нишонига етди, бамисоли ўқ.*
*Мана, олтмиш ўтди, етмиш ҳам келди,*
*Ҳеч қандай ҳодиса юз бергани йўқ.*

*Кўникиш хос экан инсонга доим,*
*Ҳайрат ҳам нисбий ҳол бўлиб қоларкан.*
*Арслонни ўргатган каби Худойим,*
*Охир қафасига қамаб оларкан.*

2008 йил, 3 август

## Фасллар

*Ҳар битта фаслнинг ўз таровати,*
*Ҳар бир умрнинг ҳам ёзи, кузи бор.*
*Номига ярашиқ файзи, роҳати,*
*Асло такрорланмас айтар сўзи бор.*

*Хилватда учрашди йигит билан қиз,*
*Атрофга таралди баҳорнинг иси.*
*Бирови «Жонгинам» деса тинимсиз,*
*Жавобан «Асалим» дерди бириси.*

*Гарчи завқи бордир бундай ҳолларнинг,*
*Унутманг, қай фасл эканлигини.*
*Ҳали эшитмадим кампир-чолларнинг*
*«Жонгинам», «Асалим» деганлигини.*

2008 йил, 8 август

Жиззах томонларда

## Ёшлар учун шаҳарча

***Энг замонавий лойиҳа асосида қад ростлаган «Ёшлар шаҳарчаси» кўрку таровати билан кўнгилларга қувонч бағишламоқда.***

Жиззах Давлат педагогика ва политехника институтлари оралиғида жойлашган мўъжазгина шаҳарча Мустақилликнинг 17 йиллиги шодиёналари куни ёшларга ўз бағрини очади.

2008 йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳарчада бадиий гимнастика зали, 2 та рамзий дарвоза, манзарали фавворалар мажмуи, турли хил павильонлар қурилди.

## Раҳбар аёллар клуби

***Вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида «Раҳбар аёллар клуби» иш бошлади.***

Клубни ташкил этишдан асосий мақсад, давлат ва нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган раҳбар аёлларнинг амалдаги ва истиқболдаги захирасини яратишдир. Келгусида унинг шаҳар, туман бўлинмалари фаолиятини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилган.

**Турсунбой КАМОЛОВ.**

Спорт • Sport • Спорт

## Оқгулга омад тилаймиз



***Пекинда бошланган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган теннис мусобақасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***

Ушбу нуфузли мусобақада кўплаб халқаро турнирлар совриндори, жаҳон теннис рейтингида 54-ўринни банд этиб турган Оқгул Омонмуродова юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Қуръа натижаларига кўра, у италиялик Франческа Скьявонега қарши кортга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, Олимпиада ўйинларида 58 нафар вакилимиз спортнинг 15 тури бўйича медаллар учун кураш олиб боради.

## Зафар Холмуродов «Динамо»га ўтди



Қаршининг "Насаф" жамоаси ҳужумчиси Зафар Холмуродов иккинчи давра ўйинларини Самарқанднинг "Динамо" клуби сафида давом эттиради, деб хабар беради uff.uz сайти.

Ўзаро келишувга биноан, Зафар Холмуродов олти ой самарқандликлар сафида тўп суради.

ФИФА рейтинги:

## Ўзбекистон 55-ўринда

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА миллий терма жамоаларнинг август ойи учун рейтингини эълон қилди.

Янги рўйхатда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 55-ўринда қайд этилган. Футболчиларимиз МДҲ миқёсида Россия, Украина ҳамда Молдова терма жамоаларидан кейин тўртинчи, Осиёда эса Япония, Австралия, Эрон, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея терма жамоаларидан кейин олтинчи ўриндан жой олган.




***Гоҳо тўрт мучаси соғ, ақли бутун, тили бурро бўла туриб қўлидан бир касбу ҳунар келмайдиган инсонлар учраб туради. Бироқ ҳаётда шундайлар бўладики, ногирон ёхуд бирор нуқсонли бўлишига қарамай, ўзида куч, матонату ирода, сабру тоқат топа оладилар, қалбан эзгуликка, гўзалликка интилиб яшайдилар.***

Матонат

Эндигина йигирма учни қоралаган Дилноза яратган санъат намуналари ҳам ана шундай табиийлик, беғуборлигу нафосатдан сўзлайди. Дилноза жисмонан мажруҳ бўлишига қарамай, иродаси мустаҳкам қиз. Унинг устахонаси мўъжазгина зардўзлик дўконини эслатади. Бу ерда халқимизга хос миллийлик акс этган зарчопону оқ ҳарирга юксак дид билан терилган мунчоқли тўй либослари, жозибадор нақшлар жилоланган бешик ёпқичлару келинлик сарполарининг деярли барча турини кўриш мумкин.

Чевар қизнинг санъат намуналарини томоша қилаётиб, кичкинтойларнинг зарбоф кийимчалари, ўйинчоқлари ва бешик анжомлари эътиборимизни тортди. Бу бетакрор нақшлардаги бежиримлик, гулларида акс этган болаларча беғуборлик кишини мафтун этиши, шубҳасиз. Бизни ҳам бу мафтункор санъат ўзига жалб этган чоғи, Дилнозанинг имлаганини сезмай қолибмиз. Унинг ойдек тиниқ ва истарали юзида нимтабассум, ҳаё тўла кўзларида аллақандай дард, нигоҳида ажиб бир шижоат бор эди. Дилноза тўй болага атаб тикилган тўнни ушлаганча, чиройлими, сизга ёқдими, дея ишора қиларди. Бу қўли гул қизнинг истеъдодига тан берганимни эшитгач, у мактабда аъло баҳо олган қизалоқдек қувониб кетди, самимий чеҳраси янада ёришгандай бўлди. У ўз кутубхонасида кўплаб асарларни мутолаа қилиши, оила ва турмушда, гўдаклар парваришида асқотадиган юмушларни пухта ўзлаштирганини тушунтиришга ҳаракат қиларди.

Зардўз қиз матога ишлов бераркан, шунчаки тикиш-бичиш ёки нақш солиш эмас, балки ажиб бир нафисликка йўғрилган ижод намунаси яратишга ошиқади.

— Дилноза зардўзликдан ташқари пазандалик, соч турмаклаш, тўқувчилик каби ҳунарларни эгаллаган, — дейди республика Ногирон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Зуҳра Раҳматуллаева. — У ҳали ёш бўлса-да, ўз иқтидорини кўпгина шогирдларига ҳам сингдириб келаяпти. Зардўзликка оид йирик ҳажмдаги буюртмалар олиб, белгиланган фурсатда тайёрлай олгани учун ҳам уни "хазина" деб атаймиз.

Дарҳақиқат, Дилноза бу эътирофга лойиқ эканига шубҳа йўқ. У уюшмага аъзо бўлганидан буён ҳунармандчилик ва касаначиликнинг сир-синоатларидан бохабар бўлди. Бу изланишлар самараси ўлароқ, Дилноза Шораҳмедова қатор танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

# ҚУЁШ МЕҲРИ ТУШГАН ШАҲАР

***Термиз — қадимий шаҳар. Муаррих Ҳофизи Обрўнинг ёзишича, шаҳар номи "Тарамастха" сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича ифодаланиб келинган. X асрдан бошлаб Термиз номи билан атала бошланган. Очиғини айтиш керакки, Истиқлолимиз Термизнинг қаддини кўтарди, унга шону шавкатини қайтариб, она Ўзбекистонимизнинг гўзал ва обод шаҳрига айлантирди.***

— Бугуннинг қадрига етиш учун ўтмишга холис назар солсак кифоя, — дейди меҳнат фахрийси Нормўмин бобо Туропов. — Битта бино қурамиз десак, беш минг чақрим олисдаги шўролар пойтахтидан рухсат кутардик. Катта, йирик бинолар, иншоотлар қуришнинг иложи ҳам, имконияти ҳам йўқ эди. Бугун эса Термизда 16 қаватли дейсизми, жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар дейсизми, қатор-қатор машиналар юрадиган кенг ва равон йўллар дейсизми, академик лицею коллежлар дейсизми — барчаси бор. Шаҳар истиқлол туфайли қаддини кўтарди, обод бўлди, гулу гулзорга бурканди.

Термиз қуёш йўлида жойлашган. Одамлар бу ерда қуёш меҳрини, саховатини туйиб яшашади. Шундан жанубликларнинг қалби ҳароратли, қайноқ. Ғайратларидан ўт чақнайди. Айни кунларда термизликлар мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга астойдил киришишган. Чунончи, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган энг улуғ ва энг азиз байрамимизни юксак савияда нишонлашга қаратилган маҳаллий дастурда белгиланган ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Хусусан, Термиз шаҳрида кенг кўламдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда, марказий кўчаларга байрамона тус берилмоқда. Айтиш жоизки, маҳаллий бюджетдан бу ишлар учун 9,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Файзулло Хўжаев, Тараққиёт, Алишер Навоий, Ат-Термизий, Беруний кўчаларига 475 минг дона мавсумий гуллар экилди. Ички кўчалар капитал таъмирдан чиқарилди.

Айни кунларда кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузар ва хиёбонлар, истироҳат боғларида, зиёратгоҳларда тозалаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш, турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда мавсумий гул кўчатлари экилиб, дарахтларни парваришлаш, уларни оқлаш ва буташ ишлари ниҳояланмоқда.

Шаҳарнинг 5-кичик даҳасида 2 та 4 қаватли 32 хонадондан иборат турар-жой биноси қурилиши жадал суратларда олиб борилмоқда. Уларнинг қурилиши учун "Ипотекабанк" томонидан имтиёзли равишда 2 миллиард 498 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу уйлар Мустақиллик байрами арафасида термизлик ёш оилаларга тақдим этилади.

Термизнинг машҳур 2100 ўринли амфитеатр биноси ҳам айни чоғда қайта таъмирланмоқда. Тез орада у янада гўзал қиёфа касб этади.

Яқин истиқболда навқирон талабаларимиз Термиз давлат университетининг янги, маҳобатли ўқув биносида сабоқ ола бошлашади. Ушбу билимлар кошонаси давлатимизнинг 2008 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилди. Айни пайтда 1350 ўринли ўқув корпусининг лойиҳа-смета ҳужжатлари поёнига етай деб турибди. Ушбу илм даргоҳининг лойиҳа қиймати 7 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, шаҳарга кираверишда яна бир янги академик лицей биноси шитоб ила қад кўтараяпти. 720 ўринга мўлжалланган бу бинонинг лойиҳа қиймати 2 миллиард 799 миллион сўмдан зиёд. Насиб этса, билимлар куни бу даргоҳнинг дарвоза-ю эшиклари очилиб, биринчи қўнғироқ садолари янграйди.

Хуллас, қуёш меҳри остида яшаётган, қалбидан нур таралиб турган термизликларнинг амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовор, ҳавас қилса арзигулик. Бинобарин, Президентимиз Сурхондарёга ташриф буюрганларида, "Кейинги беш йиллик Сурхондарёнинг беш йиллигидир" деб таъкидлаган эдилар. Қолаверса, жонажон шаҳримизда бўлаётган янгиланишлар ҳақиқатан ҳам, Сурхондарёнинг зарбдор беш йиллиги бошланганидан дарак бераётир.

**Саид МАЛИКОВ.**

## Жаҳон чемпионатидан иккита бронза

***Туркияда эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди.***



Унда жаҳоннинг 46 мамлакатидан келган полвонлар ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Жаҳон чемпионатида беш нафар полвонимиз ғолиблик учун гиламга чиқди ва якунда умумжамоа ҳисоби бўйича бешинчи ўриндан жой олишди.

Ҳамюртларимиздан Ихтиёр Наврўзов (66 кг.) ва Умид Усмонов (84 кг.) бронза медалини қўлга киритишди. Эслатиб ўтамиз, ҳар бир вазн тоифасида 27-33 нафардан курашчи медаллар учун баҳс юритди.

**З.ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## Гулноза — олтин медал соҳибаси

***Урганч Олимпия захиралари коллежи ҳузуридаги мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Гулноза Матниёзова Яман давлатининг Сана шаҳрида ўтказилган дзю-до бўйича Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, олтин медаль соҳибаси бўлди.***

Гулноза ҳозир жорий йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрмоқда.

Эслатиб ўтамиз, шу кунгача Урганч Олимпия захиралари коллежи ва унинг ҳузуридаги мактаб-интернат ўқувчиларидан 20 нафардан ортиғи халқаро спорт мусобақаларининг совриндорлари бўлишган.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАКТАБЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

***Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир тумани марказидан анча олисдаги "Мулк" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган 17-умумтаълим мактаби биноси Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ янгича қиёфа касб этди.***

Шунингдек, туманнинг "Бурчитов" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги мактабда ҳам капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда қурувчилар томонидан 120 миллион сўмлик иш бажарилиб, мактаб биноси янги ўқув йилига тахт қилинмоқда.

Умуммиллий дастурга кўра, туманда бу йил битта мактабни капитал реконструкция қилиш, иккита мактабни капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


# БИРЖА

республика иқтисодий газетаси ЁАЖ
таркибида тезкор нашр маркази иш бошлаши ва бир қатор журналлар чоп этилиши муносабати билан қуйидаги мутахассисларни ишга жалб этиш бўйича

танлов эълон қилади

Мутахассисларга қўйиладиган касбий талаблар:

Адабий котиб – таржимон
Лингвистик ёки филологик маълумот, фикрни аниқ тушунувчан, қисқа ва лўнда баён этиш маҳорати, адабий муҳаррир, мусаҳҳиҳ сифатида камида 3 йиллик тажриба, ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиш, бизнес ва иқтисодиёт соҳасида мазмунни тўғри етказиш.

Масъул котиб
Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, муаллифлик ҳуқуқи, ахборот билан ишлаш хусусиятлари, газета ва журнал чиқариш асосларини билиш. Ахборотни замонавий техник воситалар ёрдамида қайта ишлаш ва нашрларга бадиий-техник шакл бериш тажрибаси.

Бухгалтер
Молия ва иқтисод соҳаси бўйича олий маълумотга эгалиги, бухгалтерлик ҳисобини олиб боришнинг янги тизими билан танишлиги, «1С» бухгалтерия дастурида ишлаш тажрибасига эгалиги, бухгалтерия ҳисоби, молия ёки солиқ назорати соҳасида уч йиллик иш стажи.

Реклама мутахассиси
Инглиз тилини билиш, маҳсулотни бозорга олиб чиқиш, харидорга кўрсата билиш тажрибаси, музокаралар олиб бориш, тадбирлар уюштириш ва уларни мувофиқлаштириш, реклама уюштириш маҳорати.

Шарҳловчи/мухбир
Журналист/бизнес-журналист, баён этишнинг юқори маҳорати, бизнес ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ёритиш тажрибаси, ёритилаётган воқеа, фактларни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қила билиш.

Саҳифаловчи/дизайнер
CorelDraw, InDesign, Photoshop, Page Maker дастурларида ишлаш, материални юқори савияда нашрга тайёрлаш маҳорати.

Нашриёт техник мутахассиси
Буюртмаларни чоп этиш, зарур ўлчамларда кесиш, елимлаш, нашрларни тикиш, товар ҳолига келтириб ўраш. Шу ишлар билан боғлиқ дастгоҳларда ишлай билиши талаб этилади.

Курьер
Тошкент шаҳрини яхши билиши, муомала маданияти бўлиши, рус ва ўзбек тилларини мукаммал билиш.

Шахсий маълумотларни zaobirja@mail.ru электрон манзилига юбориш сўралади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 259-22-25. Факс: 259-22-06, 259-21-68.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати – 2008 йил 30 августгача.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан

«Халқ сўзи» ва «Народное слово»

газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Тел.: 236-09-25, 232-10-63. E-mail: xalk_suzi@rambler.ru
Буюртмалар шу йилнинг 22 августигача қабул қилинади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Сенат Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси М.Т. Ерниязовга волидаи муҳтарамаси

**АЙМЕРЕКЕ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Давлат ва жамият қурилиши факультети декани Нигора Умаровага акаси

**Нодир УМАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониxонов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6 8